



## Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари тушунчаси ва турлари

**Насуллаев Мубин**

Юристлар малакасини ошириш

Маркази доценти

**Аннотация:** Мақолада тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг илмий ва амалий жиҳатдан тушунчаси ёритиб берилган. Шахсан муаллифнинг ўзи бундай тартиб-таомилларни умумий тарзда илмий таърифлагани акс эттирилган. Мавзуга бағишланган қонун меъёрлари ва ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини қўллашга асос бўлган судга мурожаат этишлар ҳақида тўхталиб ўтилган. Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг турларига тўхталиб, ҳар бир турининг мазмун-моҳияти қонунчиликка, илмий ва амалий қарашларга таянган ҳолда кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлари:** иқтисодий суд, тўловга қобилиятсизлик, банкротлик, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари, тўловга қобилиятсизлик аломатлари, кузатув, суд санацияси, суд бошқарувчи, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, қарздор, кредиторлар, соғломлаштириш, солиқ органи, кредиторлар йиғилиши.

Ўзбекистон Конституциясида “Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди<sup>1</sup>” деб ифодаланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://constitution.uz/clause>.



Бундан ишбилармонлик муҳити яхшиланганлиги, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилганлиги натижасида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги кўринади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳамда бу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлашда қатор қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинганлиги таъкидланади.

Шундай қонунлардан бири юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>2</sup> (кейинчалик “Қонун” деб юритилади) мисол бўла олади.

Қонуннинг ўзига хослиги шундаки, у давлат муассасаларига ва бошқа нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди. Унда нотижорат ташкилотлардан бўлган матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан амал қилиниши ҳам кўрсатилган.

Қачонки, суд томонидан эътироф этиладиган тўловга қобилиятсизлик, пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қарздорнинг қодир эмаслигини англатса, бунда авваламбор бу қарздор шахсларни тўловга қобилиятни тиклаш чора-тадбирлари тўловга қобилиятсизликни тегишли тартиб-таомилларини жорий этиш билан белгиланади.

Судгача санация тартиб-таомили ҳали судга мурожаат қилмасдан кредитор ёки кредиторлар билан қарздорнинг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг ўзаро келишувлари билан жорий этилади.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги Қонуни [lex.uz/docs/5957612](http://lex.uz/docs/5957612)



Тўловга қобилиятсизлик ишларини судда кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларда суднинг ҳужжатлари қабул қилингунга қадар эса, кузатув тартиб-таомили қўлланилади.

Қарздорни тўловга қобилиятини тиклашда суд томонидан қўлланиладиган тартиб-таомилларига суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари киради.

Суднинг қарорига асосан қарздор корхона тўловга қобилиятсиз ва банкрот деб эълон қилинганида эса, тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили қарздорга нисбатан қўлланилади.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси<sup>3</sup> ва қайд этилган Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан кўриб чиқилади.

Бунга кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш фақат иқтисодий судларга тааллуқли бўлганлиги туфайли, суд бундай ишларни кўриб чиқиб ҳал қилишда иқтисодий процессуал кодекси билан параллел равишда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунини ҳам биргаликда қўллайди<sup>4</sup>, дейилган фикр билдирилган.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган қарздорнинг ўзи ва кредиторнинг аризаси асосида қарздор юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, шунингдек қарздор жисмоний шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси [www.lex.uz/docc/18942](http://www.lex.uz/docc/18942)

<sup>4</sup> М.Насуллаев Тўловга қобилиятсизлик аломатлари <http://uzmarkaz.uz/uz/news/>



Ушбу ишни қўзғатиш ҳақидаги аризада қарздор ёки кредитор қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга ёхуд тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилларини қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Қайд этилганларга асосланиб, тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили ҳақида тушунчага таъриф бермоқчи бўлсак, бунда тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари деганда, иқтисодий суди ҳужжатлари асосида жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўловга қобилиятсиз ёки банкрот деб тан олинганда, белгиланган қонуний тартибда уларга нисбатан қўлланиладиган қоидаларга айтилади.

Айтиш жоизки, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда, қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судига қарздорнинг ўзи, давлат солиқ хизмати органлари, устав фондида давлат улуши бўлган тақдирда ваколатли давлат органи мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги қоида қонунда белгиланган.

Шунингдек, тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда судга мурожаат қилишга бундай аломатлар асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, шунингдек судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида



қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган ҳолатлари бўлса, булар тўловга қобилиятсизлик аломатлари эканлигидан далолат беради.

Бундай тўловга қобилиятсизлик аломатларига асосан қарздор, кредитор ёки кредиторлар тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилишади.

Шулар билан бирга, агарда Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни<sup>5</sup>да бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахс ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки мол-мулки эгасининг қарори ёхуд мол-мулкининг эгаси томонидан вакил қилинган органнинг қарори асосида қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишлиги ҳам таъкидланади.

Аниқлик киритмоқчи бўлсак, қарздор юридик шахснинг раҳбари, қарздор жисмоний шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан судга мурожаат этиши шартми ёки йўқми. Қонунда бу ҳақда аниқ қилиб кўрсатилганки, қандай ҳолларда бундай иш қўзғатиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилинади

Бунда бир ёки бир нечта кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган, қарздорнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган орган томонидан қарздорни тугатиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этиш ҳақида қарор қабул

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги Қонуни [lex.uz/docs/5957612](http://lex.uz/docs/5957612)



қилинганлиги ҳолатлари учратилган тақдирда тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилади.

Шунингдек, қарздор унитар корхона мол-мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қарздорнинг аризаси билан судга мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ва қарздорнинг мол-мулкига қаратилган ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўйиши ёки бошқа кредиторлар талаблари қаноатлантирилмаслигига олиб келиши мумкин бўладиган ҳолатлар ҳам ариза билан судга мурожаат қилишлик шарт деб белгиланган.

Бундан ташқари, агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш имконсизлиги аниқланган бўлса, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи судга қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан мурожаат этиши шарт.

Қонунда<sup>6</sup> тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши, шунингдек ваколатли давлат органининг сўровига кўра корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этиши шартлиги белгиланган.

Бундан кўринадики, судлар томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни кўришнинг асосий мақсади корхонани тугатиш эмас, балки уни

<sup>6</sup> Қаранг: [lex.uz/docs/5957612](http://lex.uz/docs/5957612)



соғломлаштириш ва тўловга қобилиятини тиклаш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожига учун муҳим аҳамиятга эга<sup>7</sup>.

Қарздор юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари турларга бўлинади. Буларга қайд этилганидек, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомиллари киради.

Кузатув — қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш, кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва биринчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш учун қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундан эътиборан кейинги тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилига қадар суд томонидан қўлланиладиган тартиб-таомили бўлиб ҳисобланади. Бунда кейинги тартиб-таомил ишни кўриб суд ҳужжати қабул қилиниши билан қўлланилади.

Суд санацияси — қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш учун қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда суд томонидан қўлланилади ва асосий мақсад қарздорни фаолият юритиши ҳам таъминланади.

Ташқи бошқарув — қарздор юридик шахсга нисбатан уни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш учун қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда суд томонидан қўлланиладиган тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган тартиб-таомили бўлиб ҳисобланади.

<sup>7</sup> Маҳмудова С. Тўловга қобилиятсизлик жараёни: Хорижий тажриба ва миллий амалиёт уйғунлиги  
<https://sud.uz/news-2024-04-05-1/>



Тугатишга доир иш юритиш. — кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қаноатлантириш, қарздорнинг мажбуриятлардан озод этилганлигини ҳамда тугатилганлигини эълон қилиш мақсадида суд томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган тартиб-таомилидир. Бу тартиб-таомилни қўллашда бошқа имкониятларга эга бўлиши мумкин бўлмаган қарздор корхона тугатилади.

Таъкидланганидек, тартиб-таомиллар қарздор юридик шахснинг молиявий ҳолати ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан белгиланади ҳамда суд ҳужжатига асосан тайинланади. Ҳар бир таомил алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тайинланиш муддати ҳам турлича<sup>8</sup> бўлади.

Эътиборимизни қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигига қаратмоқчи бўлсак, қайд этилгандан фарқлироқ равишда унга нисбатан қарзни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда банкротликни тан олиш ва мол-мулкни сотиш тартиб-таомиллари қўлланилади.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай жисмоний шахс ўзида мавжуд бўлган барча банк карталарини (ПИН-кодни кўрсатган ҳолда) молиявий бошқарувчига топшириши шарт. Улар олинган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай молиявий бошқарувчи пул маблағларини қарздор жисмоний шахснинг алоҳида ҳисоб варағига ўтказиш учун ўзи олган банк карталари билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриши шарт<sup>9</sup>лиги ҳақида айтилган.

<sup>8</sup> Маҳмудова С. Тўловга қобилиятсизлик жараёни: Хорижий тажриба ва миллий амалиёт уйғунлиги <https://sud.uz/news-2024-04-05-1/>

<sup>9</sup> Ҳақимов Х. “Жисмоний шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари” 07.02.2023 й. <https://nor.uz/?p=15847>





Корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолати хорижий давлатларда қандай ҳал этилаётганига тўхталсак. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар Европа қитъасининг бир қатор мамлакатларида алоҳида банкротликка оид кодекслар, АҚШда эса, алоҳида кодекс ва Банкротлик жараёнлари федерал қоидалари билан тартибга солинади.

Шу боис АҚШ ва илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда тўловга қобилиятсизликка доир барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида жамлаган “Тўловга қобилиятсизлик кодекси”ни ишлаб чиқишга катта эҳтиёж бор. Чунки ушбу соҳа ҳам кўлами ва долзарблиги жиҳатидан кодекс билан тартибга солинадиган бошқа соҳалардан асло кам эмас<sup>10</sup>.

Муаллифнинг қайд этилган фикрларига ҳуқуқий асослар ҳам мавжуд. Чунки, юқорида таъкидланганидек, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш жараёни бошқа иқтисодий ишларни кўриб чиқилишидан ўзига хослиги билан фарқланади ва иқтисодий процессуал кодекси билан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни биргаликда қўлланилади. Шу сабабли, ушбу қонунлар асосида “Тўловга қобилиятсизлик кодекси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://constitution.uz/clause>.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси [хтп://олд.лех.уз/180552](http://олд.лех.уз/180552)
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 01.04.2018 й.  
<https://lex.uz/docs/3523891>

<sup>10</sup> Маҳмудова С. Тўловга қобилиятсизлик жараёни: Хорижий тажриба ва миллий амалиёт уйғунлиги  
<https://sud.uz/news-2024-04-05-1/>



4. Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги 763-сонли Қонуни 13.04.2022 й. <https://lex.uz/uz/docs/5957612>
5. Маҳмудова С. Тўловга қобилиятсизлик жараёни: Хорижий тажриба ва миллий амалиёт уйғунлиги <https://sud.uz/news-2024-04-05-1/>
6. Насуллаев М. Тўловга қобилиятсизлик аломатлари <http://uzmarkaz.uz/news/>
7. Ҳакимов Х. “Жисмоний шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари” 07.02.2023 й. <https://nor.uz/?p=15847>